




# ТОШКЕНТ




# ОҚШОМ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 117 (9.461) 2000 йил 2 октябрь, душанба. Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА



Мухтарам дўстлар!  
Авалло, дунёдаги энг шарафли касб эгалари бўлган сиз азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишдан гоят бахтиёрман.

Сиз, қалби дарё устозлар жондан азиз фарзандларимизга нафақат билим ва тарбия, балки ҳаётнинг қадри, умрнинг маъно-мазмунини англаш, инсоний меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлардан ҳам сабоқ берасиз.

Шу боис ҳам ўқитувчи деганда, ҳар бир инсон беихтиёр ўзининг беғубор болалигини, жўшқин ёшлик даврини, орзуларга тўла мактаб йилларини, муаллим ва мураббийларини соғинч ва ҳурмат-аҳтиром туйғулари билан эсга олади.

Инсон қалби ва онги учун кураш бораётган ҳозирги мураккаб замонда сиз каби заҳматқаш зотлар зиммасига юксак маънавиятни, эркин фикрни, Истиқлол гоёларига фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Чунки биз бой тарихимизни чуқур биладиган, маданий меросимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган, билим, ақл-заковат жиҳати-

дан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни тарбияламай туриб ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша олаймиз.

Шу маънода, Ватанимиз равнақи, жамиятимизнинг ёруғ келажаги, аввало, сиз, мухтарам устозларнинг машаққатли меҳнатингизга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз ва юксак қадрлаймиз.

Қадрили устоз ва мураббийлар!  
Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислох қилиш, янги-янги илм масканлари куриши, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда. Шубҳа йўқки, биз ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун бундан кейин ҳам ҳеч нарсани аямаймиз.

Сизларни кутлуг байрам билан яна бир қарра муваффақият билан барчангизга бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик, эзгу ва шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

## СИЗГА ТАЪЗИМ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажаги, буюклиги ва қудрати, маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун натижага ўлароқ, бу борада туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Сир эмаски, таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан муаллимларга боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табриқида таъкидланганидек, инсон қалби ва

онги учун кураш бораётган ҳозирги мураккаб замонда ўқитувчилар ва мураббийлар каби заҳматқаш зотлар зиммасига юксак маънавиятни, эркин фикрни, Истиқлол гоёларига фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Мамлакатимизда ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Аянага мувофиқ, ушбу сана арафасида таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга, уларни Ватан келажаги ва Истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган маърифат фидойиларининг бир

Республика «2000 йил ўқитувчиси» кўрик-танлови гоялиби, Тошкентнинг Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ганиева, Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур номидаги лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулҳаё Эргашева ҳамда бошқалар йиғилишида сўзга чиқиб, ўқитувчилар ва мураббийлар тўғрисидаги ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Тантанали кеча таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонида кўра Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнқ кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар:**
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**  
Герасимова Светлана Ивановна — Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 50-мактаб директори
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**  
Балацка Нина Григорьевна — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 19-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси
- Иўлдошев Рустам Аъзамович — Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бўлим мудири
- Пошшаходжаева Тулкуноӣ — Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 62-мактабнинг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчиси
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»**  
Жалилов Ҳикмат Рашидович — Республика болалар бадий ижодиёти маркази ўқитувчиси
- Наркулова Қаршигуль Бабахановна — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси
- Прудников Феликс Михайлович — Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати институти кафедраси доценти
- Юлдашев Камилдjon Адылович — Республика ўқувчи ёшлар марказининг мураббийи
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**  
Решетова Алевтина Юрьевна — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи

- «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**  
Гулямова Латипат — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 143-мактабнинг адабиёт ўқитувчиси
- Кўқоров Фулом — Тошкент шаҳар 3-болалар мусика мактабининг ўқитувчиси
- «Меҳнат шўҳрати» ордени билан**  
Далимов Аҳмеджан Касымович — «Учитель Узбекистана» газетаси бош муҳаррири
- Караева Светлана Михайловна — Тошкент шаҳар Юнусободтуманидаги 51-мактабнинг француз тили ўқитувчиси
- Раҳимқориев Абдуваҳоб Абдурахманович — Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малякасини ошириш Марказий институти доценти
- I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**  
Султанова Мэлс Александровна — Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 101-кар болалар махсус мактаб-интернати директори
- II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**  
Ахроров Собир Масихитдинович — Ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи директори
- Валиева Махмуда Заировна — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси
- «Дўстлик» ордени билан**  
Васильева Валентина Петровна — Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори ўринбосари
- Игнатъева Ольга Васильевна — Республика миллий рассомчилик коллежи ўқитувчиси
- Кўчубоев Фарит Мансурович — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг бошқарма бошлиғи
- Русак Марк Борисович — В. Успенский номидаги республика ўрта махсус мусика мактаб-интернати ўқитувчиси
- Таджиева Санобар Рихсиджоджаевна — Тошкент 1-педагогика билим юртининг математика ўқитувчиси
- Тиллабоева Мухаббат Нигматовна — Республика Таълим марказининг кимё-биология ва география бўлими бошлиғи ўринбосари

- Фадеева Татьяна Петровна — Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 291-мактабнинг кимё ўқитувчиси
- Хачатурян Юрий Мушегович — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110-мактабнинг кимё ўқитувчиси
- Хусанова Людмила Абидовна — Тошкент гидрометеорология техникуми директори
- Юсупова Дилором Таджиевна — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактабнинг ҳинд тили ўқитувчиси
- «Шўҳрат» медаллари билан**  
Зиямухамедов Тошпулат Бурибаевич — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг умумий ўрта таълим бўлими бошлиғи
- Иўлдошева Дилбархон Сайдахмедовна — Тошкент давлат Иқтисодий университетини қошидаги академик-лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси
- Косников Виктор Степанович — Тошкент шаҳар Яксарой туманидаги 89-мактабнинг кимё ўқитувчиси
- Маликов Абдурахим — Тошкент шаҳар Ҳамза номидаги мусика билим юрти ўқитувчиси
- Махкамов Толибжон Шарипович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси
- Норбоева Дибра Рашидовна — Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 574-болалар боғчаси тарбиячиси
- Нурқобилов Абдурахмон Омонович — Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат мактаби ўқитувчиси
- Убайдуллаева Мастура Каюмовна — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 114-мактаб директори
- Хуснутдинова Шаҳида — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 219-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси
- Шодиев Гофиржон Данабоевич — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ўқув курси директори
- Юлдашева Миёссар Кадыровна — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси
- Якубова Сайёра — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академиясининг кутубхона мудири

**Сиднейдан хушхабар!**

**КЕЧА**

Ўзбекистонлик муҳлис-лар ораққиб кутган дамлар келиб мустақил юртимиз спортчиси олимпиада ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

**МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ**

Олимпиада уйинларидаги энг умидли спортчимиз — боқс бўйича икки қарра Осиё чемпиони, Осиё уйинларининг гоялиби, утган йилги жаҳон чемпиони ва жаҳон Кубогининг соҳиби, хуллас хаваскорлар боқсида забт этиши мумкин бўлган барча чўқиларга чиқа олган, халқаро боқс федерацияси АИБА рейтингига кўра биринчи ўринни эгаллаган ҳолда дунёдаги энг техникаси зўр боқсчи дея тан олинган чарм кўлпоқ юлдузимиз 27 ёшли Муҳаммадқодир Абдуллаев. Дарлинг хоаба! спорт мажмуаси рейтингга 63,5 килограммлик боқсчилар ўртасида ҳал қилувчи беллашувда АҚШ аҳоли Рикардо Уильямс билан кўч синишиш унун чқиди. Баҳс бошлариданқок ташаббуси ўз кўлига олишга эришган ҳамюртимиз биринчи раундда 4:1 ҳисобида ўз фойдасига якунлади. Беллашув охиригача сурьятни бўшақтирмаган Муҳаммадқодир 27:20 ҳисобида кучли рақибидан устун келган ҳолда ниҳоят терма жамоамизга энг олий нишонларни келтирди. Унинг галабаси шарафига узок Сиднейда Ўзбекистон байроғи юқори кўтарилди, юртимиз маддияси янгради. Уйлаймизки, зарбоф тўн кийган ҳолда Ўзбекистон байроғини марғур кўтариб ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олган Муҳаммадқодирнинг аjoyиб галабаси узок вақт ҳамюртларимизнинг ёлдаридан асло кўтарилмайдди. Зеро, олимпиадани терма жамоамиз байроқдори бўлган, юртдошларимизга фақат олтин медаллар учун курашишга ваъда берган анджоимиз боқс юлдузи Муҳаммадқодир ўз сўзида турди. Энг қувонарлиси ўқитувчилар ва мураббийлар кунда кўлга киритилган ушбу оламшумул галаба унинг мураббийи Марс Кўқоров учун ҳам аjoyиб сова бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг улкан галаба билан кўтлаб йўллаган табрик хатини олган Муҳаммадқодирнинг қалбида ўз она Ватанига юксак муҳаббат туйғулари жўшқини шўбасиз. Бу Юртбошимизнинг спортнинг барча турларини ривожлантиришга қўрсатаётган катта ғамхўрликларининг ёркин ифодаси, ўзбек спортининг оламшумул тантанаси бўлди.

## Спорт — тинчлик элчиси ХАЙР, СИДНЕЙ, САЛОМ, АФИНА!

**КЕЧА**

110 минг кишини ўз бағрига сиғдирган Сиднейдаги олимпиада стадионинда XXVII олимпиада уйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Уйингоҳга олқилар остида асрининг сўнгги олимпиадасида катта чизмачилик бўлими 199 давлат байроқларини кўтарган спортчилар кириб келишди. Стадион учра Халқаро олимпиада кўмитаси, Австралия ҳамда илк олимпиада уйинларини ўтказган, орадан бир аср ўтди янги аср бошларида XXVII ёғи олимпиада уйинларини ўтказувчи Греция байроқлари кўтарилиб, мадҳиялар янгради.

Минбарга 20 йил давомида ХОҚСига раҳбарлик қилиб, жаҳонда олимпиада тарихининг беқисб ривожлантирган Халқаро олимпиада кўмитасининг Президенти Маркис Хуан Антонио Самаранч, етти йил тинимсиз тер тўққан ҳолда асримизнинг энг яхши олимпиадаси дея эътироф этилган Сидней олимпиадасини ҳар томонлама мукаммал ташкил этишга эришган австралиялик ташкилий кўмита раиси Маркис Найтлар чиқишиб, ушбу олимпиада инсоният тарихидаги энг ёркин саҳифалардан бўлиб қолишини таъкидладилар, оламшумул мусобақаларда қатнашган 199 та мамлакат олимпиада кўмиталари, барча спортчилар, журналистлар, телевидение ходимлари, олимпиаданинг муваффақиятли ўтиши учун кеча-кундуз тинмасдан ўз улушларини қўшган 46 минг нафар беминнат дастурларга катта миннатдорчилик билдиришди. Сўнг Самаранч Австралия энг яхши уйинларини жаҳонга тортиқ қилган ҳолда ёғи XXVII Олимпиада уйинлари тинчлик ва тараққиётга хизмат қилганлигини эътироф этди ҳамда бу борадаги улкан хизматлари учун Майкл Найтга олимпиада олтин орденини топширди.

Афина шаҳри эрига олимпиада байроғи топширилиб, кировчи самолёт олимпиада машаласини самога олиб чиқиб кетган, тантанали ёпилиш маросимининг бадий қисми бошланди. Бундан спортчилар ва муҳлислар аjoyиб байрам қарнавалида рақсга тушилар, яйрадилар, қувандилар. Маросим олимпиада уйинлари тарихида мисли кўрилмаган мушакбозлик билан якунланди.

Энди икки оғиз сўз мусобақаларнинг охири кун ва олимпиада уйинларининг сарҳисоби тўғрисида.

**КЕЧА**

эркин курашчилар ўртасида финал баҳслари ўтказилди. Бунда полвоиларимиз ўртасида энг охири бўлиб олимпиадада катнашган хуқуқини кўлга киритган Артур Таймазов 130 килограммлик беллашувда россиялик Давид Масульбес билан олимпиада олтин нишонлари учун кураш олиб борди. Ушбу баҳсда ҳар иккала курашчи қолган учрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди. «Семурғ» — «Сүгдиёна» 5:1, «Кимёгар» — «Металлурғ» 3:2, «Навбахор» — «Сурхон» 5:0, «Темирйўли» — «Насарф» 1:2, «Самарқанд — Динамо» — «Анджон» 3:0, «Бухоро» — «Турон» 4:0, «Қизилқум» — «Хоразм» 1:0.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

**ИККИ ОЧКО БОЙ БЕРИЛДИ**

Утган кун Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мамлакат чемпионатининг XXII тур учрашувида кўтилмаганда «Гулистон» жамоаси билан ўйнаб ўз майдонида дуранг натижага эришди. Ҳисоб 0:0. Аммо тошкентликлар муҳим икки очкони қўлдан бой бердиши.

Қолган учрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди. «Семурғ» — «Сүгдиёна» 5:1, «Кимёгар» — «Металлурғ» 3:2, «Навбахор» — «Сурхон» 5:0, «Темирйўли» — «Насарф» 1:2, «Самарқанд — Динамо» — «Анджон» 3:0, «Бухоро» — «Турон» 4:0, «Қизилқум» — «Хоразм» 1:0.

Ақбар ИЎЛДОШЕВ.

### ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

#### МАМЛАКАТИМИЗДА

♦ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**га кўра Қодир Фуломов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тайинланди ва шу муносабат билан ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари — Куролли Кучлар Академиясининг бошлиғи вазифасидан озод қилинди.

♦ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**га кўра Юрий Агзамов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири вазифасидан озод қилинди.

♦ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**га кўра Тўлқин Қосимов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Куролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи этиб тайинланди ва шу муносабат билан у Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Шарқий ҳарбий округ қўшинларининг кўмондони вазифасидан озод қилинди.

♦ **Кеча** мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни кенг нишонланди.

♦ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси** Аграр, сув ҳўжалиғи масалалари ва озиқ-овқат кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

♦ **Республика Таълим** марказида АКСЕПС ташкилоти билан биргаликда «Таълимда ҳамкорлик» дастури юзасидан мамлакатимиз мактабларининг ижтимоий фан ўқитувчилари ўртасида ўтказилган танловнинг 20 нафар галибини Америка Қўшма Штатларининг ўқув муассасаларига ўзаро тажриба алмашиш учун кузатиш маросими бўлиб ўтди.

♦ **Ўрта Осиё Ирригация** илмий-тадқиқот институтининг 75 йиллиғига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда мелiorация ва сув ҳўжалиғи соҳасида юзага келган муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди.

♦ **Сергели туманида** яшовчи ёлғиз кексалар, пенсияонерлар ва ногиронларга хизмат кўрсатадиган «Меҳр-муруват» маркази очилди.

♦ **Ўқитувчи** ва мураббийлар кўни муносабати билан Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» телеканали ходимлари Бўстонлик туманининг Оқтош қишлоғидаги 11-мактабга ташриф буюрдилар. Телеканал ижодкорлари ушбу мактабни ўз оталиқларига олганларидан буён ҳар йили ҳоимийлик тадбирларини ўтказиб келишади.

♦ **Тошкент вилоят педагог** ходимлар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида «Маънавият ва мафкуравий тарбия» мавзюида амалий семинар бўлиб ўтди.

♦ **Халқлар Дўстлиги саройида** «Нихол» давлат мукофотига сазовор бўлган иқтидорли ёшларга ушбу мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди.

♦ **Бугун** «Мулқдор» газетасининг олти йиллиги муносабати билан журналистлар ўртасида ўтказиладиган мини-футбол мусобақалари бошланди.

#### ЖАҲОНДА

♦ **Кеча** Британия кураш ассоциацияси ташаббуси билан Лондон яқинидаги Беффорд шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номидаги кураш турнири бошланди. Уч кун давом этадиган бу турнир эртага нихоясига етади.

♦ **Бугун** Россия Президенти Владимир Путин тўрт кунлик давлат ташрифи билан Хиндистонга келди.

♦ **Индонезиянинг** собиқ президенти Сухарто устидан икки йилдан буён давом этаётган суд жараёни тўхтатилди. Жакарта суди собиқ раҳбарнинг оғир хасталигини инобатга олиб шундай қарорга келди.

♦ **Кеча** Хитой халқи ўз миллий байрами — Хитой Халқ Республикаси ташкил топган кўннинг 51 йиллигини нишонлади.

♦ **Умумжаҳон банки** Қирғизистон ҳукумати томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаши ҳамда шу мақсадлар учун 35 миллион доллар ажратишини маълум қилди.

♦ **Туркманистон** пойтахтида «Она тилининг асл манбалари» мавзюида илмий анжуман ўтказилди.

♦ **Югославияда** ярим миллионга яқин намоийшчи демократик мухолифат вакили, президентликка номзод Воислав Коштуница галабасини қўллаб-қувватлаб Белград кўчаларига чиқди.

♦ **Кеча** Албанияда ҳоқимият маҳаллий органларига сайловлар бўлиб ўтди.

♦ **Бугун** Ливия раҳбари М. Қаддафий расмий ташриф билан Мисрга келди.

♦ **Францияда** ишлаб чиқарилган янги «Пежо-106» русумли электромобиль ўзига хос рекорд ўрнатди. У Ла-Рошель шаҳридан Пуате шаҳригача бўлган 208 километрик йўлни қўшимча электр қувватсиз босиб ўтди.

♦ **Анатолий Зленко** Украина ташқи ишлар вазири этиб тайинланди.

♦ **Кеча** Сочида Россия, Грузия, Арманистон ва Озарбайжон ташқи ишлар вазирилари учрашувда Шимолий Кавказ муаммолари муҳокама қилинди.

♦ **Бугун** Монреалда Канаданинг собиқ бош вазири Пьер Трюдонинг дафн этилиш маросими ўтказилди.

♦ **Бугун** Буюк Британия консерваторлар партиясининг йиллик съезди ўз ишини бошлади.

♦ **Кеча** Душанбе яқинидаги Корея христиан ибодатхонаси жойлашган бинода икки марта кучли портлаш рўй берди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 5 киши вафот этиб, ўндан ортиқ киши жароҳатланган. Портлаш сабаблари аниқланмоқда.

#### ТАДБИРЛАР

**ТАЛАБАЛИККА БАҒИШЛОВ**

Талабалик олтин давр ҳисобланади. Бу йил ҳам кўплаб бахти кўлган йилит ва кизларимиз илк бор олий ўқув юрлари оstonаларига қадам қўйишди.

Тошкент шаҳар ҳоқимлиғи, «Камолот» жағмарасининг Тошкент шаҳар бўлими, пойтахт Фан ва таълим ходимлари касабга кўмитасининг ташаббуси билан А.Навойи номидаги Санъат саройида Тошкент шаҳридаги олий ўқув юрларининг биринчи курс талабалари учун «Талабаликка бағишлов» тадбири бўлиб ўтди.

Илм оstonасига илк қадамларини қўйган талабаларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхорр Фуломов, Тошкент шаҳар ҳоқимининг ўринбосари Рихситилла Ақромовлар қўллашиб, фан чўққиларини муваффақиятли забт этган ҳолда келгусида чинакамга ватанпарвар ва фидойи инсонлар бўлишга қарқидилар. Тест синовларида энг юқори балл тўплаган талабаларга махсус мукофотлар топширилди. Сўнг Тошкент шаҳар олий ўқув юрлари биринчи курс талабаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мурожаати ўқиб эшитирилди.

**Даврон ИСАЕВ.**


**Моддий нўмат бунёдкорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш пойтахт касабга уюшмалари** Кенгаши фаолиятининг устувор йўналишларидан бўлиб, бу муҳим вазифа ишчилик билан амалга ошириб келинмоқда. Яқинда шаҳар касабга уюшмалари Кенгашининг навбатдаги раёсати бўлиб ўтди.

Раёсат мажлисини Кенгаш раиси Мирзохид Содиқов очди. Кун тартибидида: «Тошшаҳарйўловчи» транс-

давлат уюшмаси корхоналари маъмурияти ва касабга уюшма кўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонуни нуктаи назаридан ишловчиларни соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари билан таъминлаш иши тўғрисида, «Тармоқ касабга уюшма шаҳар кўмиталарининг санитарий-профилактика раҳбарлик қилиш бўйича фаолияти хақида», «Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотларидаги жамоа шартномалари ва битимлари бажарилишининг бориши тўғрисида», «Меҳнатқашлар ва ёшлар ўртасида маънавий ишларни ривожлантиришда металлургия ва машинасозлик корхоналарида олиб бoрилаётган ишлар хақида» ва 1999-2000 ўқув йилининг ақунлари бўйича

лаш, махсус кийим-кечак, махсус пойабзал, зарарли жойларда ишлайдиган ходимларни сут билан таъминлашга етарлича эътибор берилмайди. Баъзи корхоналарда техника хавфсизлигининг оддий қондаларига амал қилинмайди.

Мехнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилишда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунга қатъий амал қилиш, жамоа шартномалари, битимларига, меҳнат муҳофазасига оид аниқ тадбирлар қўйиш зарурлигини корхона, ҳўжалик раҳбарла-



Келажакка юз тутган шаҳар

## ГўЗАЛ ГўША БўЛИБ ҚОЛАДИ

Ушбу қарорни бажаришни таъминлаш доирасида юқори классдаги компьютерлар, хозирги замон геодезия системалари (GPS — космосдаги сунъий йўлдошлар воситасида ўлчовчи аппаратлар, Eita системали тахеометрлар) ва компьютерлар учун дастур маҳсулотлар сотиб олинди.

Тадқиқотлар бажаришининг янги технологияларини ўзлаштириш мақсадида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқарувчи ривожланган давлатлар — Швейцария ва Германия фирмалари «Leika», «ZEISS» билан алоқа ўрнатилди.

Топография-геодезия соҳалари бўйича ёш мутахассислардан бир гуруҳи Германияда бўлиб, янги техника билан ишлашни ўрганиб қайтди.

«Тошкенттадқиқот» ва «ZEISS» фирмаси орасида ўзаро маълумотлар ва мутахассисларни айирбоқлашани йўлга қўйиш институт қoшида янги қўшма корхона — «ZEISS» компаниясининг «Тошкент-Цейсс» регионал ўқув маслаҳат хизмат кўрсатиш марказини очиш имконини берди.

Геология соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди.

1998 йилда АҚШнинг GSSI фирмасидан сотиб олинган SIR-2 — георадар системаси геоология тадқиқот ишлари доирасини янада кенгайтирди.

Геоология соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди.

1998 йилда АҚШнинг GSSI фирмасидан сотиб олинган SIR-2 — георадар системаси геоология тадқиқот ишлари доирасини янада кенгайтирди.

Геоология соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди.

1998 йилда АҚШнинг GSSI фирмасидан сотиб олинган SIR-2 — георадар системаси геоология тадқиқот ишлари доирасини янада кенгайтирди.

**Хамидулла АБДУЛЛАЕВ, ўқитувчи:**

— Тошкент шаҳар ҳоқимлиғида пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш масалаларига оид бўлиб ўтган йилгилида бошқа бир қатор масалалар билан бирга шаҳар ҳоқими Козим Тўлагановнинг Эски шаҳар тўғрисида айтган фикрлари шу ерда яшовчилар қаторида мени ҳам тўлқинlantирди. Албатта барчага маълумки Эски шаҳарда яшовчиларнинг турар жойлари анчагина яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бунинг сабаблари аниқ. Энг биринчи сабаблардан бири бу аҳоли ўртасида келажакда Эски шаҳардаги хонадонлар бузилиши мумкин деган нотўғри хулосалар борлиги. Бу эса ўз навбатида яшовчиларни ўз уйларида телекоммуникация, газ, сув ёки таъмирлаш ишлари олиб бoришга халақит бeраётгани эди. Ушбу йилгилида айтилганидек, шахсий хонадонларимизни таъмирлашда ҳукуматимиз томонидан ёрдам берилса, йўлайманки Эски шаҳар шахримизнинг энг гўзал гўшаларидан бири бўлиб қолади.

**Гулсум ХўЖАЕВА, меҳнат фаҳрийси:**

— Бизнинг маҳалларимизда эл севган, ардоқланган инсонлар ўсиб вояга етган. Хозирда уларнинг фарзандлари, қавму қариндошлари шу ерда яшайди. Бу ерлар улар учун табаррук. Сир эмас-ки, шу жойлар қачон бузилар экан деб, ҳар йили кутаётганлар кўп. Чунки тўй қилиши керак ёки шахсий хонадонларини таъмирлаши керак. Шу масалда маҳалладошларимиз аросатда эдилар. Шўқрки, бу масала ҳам яқин кунларда ҳал этиладиган бўлди.



Абдувосит МИРРАСУЛОВ, «Самарқанд дарвоза» маҳалласининг оқсозли:

— «Эски шаҳар ҳудуди бузилиши керак» деган гап кўп йиллардан буён такрорланади. Лекин унинг бузилиши ёки бузилмастлиги шу пайтгача аниқ эмас эди. Бу масалага оидлилик қиритиш учун маҳалладошларимиз менинг олдимга бир неча мартаба келишган. Лекин уларга мен ҳам аниқ маълумот бeра олманман. Албатта шахримиз кўндан кўнга чирой очиб бoрмоқда. Эски шаҳар ҳам Тошкентнинг қадимги гўшаларидан. Табиийки бу ерда истиқомат қилувчилар учун қандайдир ёрдам керак эди. Шаҳар ҳоқимлиғида бўлган йилгилида таъмирлаш ишларида, керак бўлса кредит бeриш масалаларида кўмак бeриш зарурлиги айтилди. Бу нарса бизни қувонтирди. Энди бу ерда яшовчиларнинг ташаббуслари билан ва бевосита шаҳар ҳоқимлиғи ёрдамида шахсий хонадонларда қайта таъмирлаш ишлари бошланиб, бизнинг маҳаллаларда ҳам чиройли хонадонлар юз кўрсатса ажаб эмас.

**Очил ХАЗРАТОВ ёзиб олди.**

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТ АҲЛИ МАНФААТЛАРИ ЙўЛИДА

Тошкент шаҳар касабга уюшмалари Кенгашининг стипендиасини тайинлаш хақида» каби қатор муҳим масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан нотиклар масалаларни чўқур таҳлил қилиб, ишдаги камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, айрим корхоналарда турили вақт-корсонларни баҳона қилиб, техника хавфсизлиги, иш шaroитини яхши-

#### Тадқиқот масканларида

**Тошкент шаҳрининг қоқ марказида, хўшманзара Анҳор бўйининг «Туркистон» саройи қаршисида «Тошкенттадқиқот» институтининг кўркам биноси қад кўтариб турилди. Бу институтининг тарихи Ўзбекистон пойтахти — Тошкентнинг энг янги тарихи билан чамбарчас боғланган.**

«Тошкенттадқиқот» институти 1975 йили шаҳар архитектура-режалаштириш бош бoшқармасининг Геодезия хизмати бoшқармаси, «ЎзГИТИ», «Тошбоширежа» ва «Тошгипрогор» институтилари тадқиқот бўлимлари неғизида тuzилган.

«Тошкенттадқиқот» институти лойиҳалаш-қурилиш жараёنлари заنجирининг энг биринчи ва асосий ҳалқаларидан ҳисобланади. Институт бажарадиган топография-геодезия ва геология тадқиқотларининг натижалари ҳисобланадиган топография режаларисиз, ер участкаси қатламларининг лаборатория таҳлилисиз на лойиҳа тuzиб бўлади ва на қурилишни бошлаб бўлади.

## ЮКСАЛИШ ЙўЛИДАН

Корхона, ташкилотлар ва яқна тартибда турар жой кўрмоқчи бўлган шахсларга ҳам ер участкаларини ажратиб бeриш институт тայёрлаб бeрадиган топография хариталари асосида амалга оширилади.

Энг асосийси, шаҳарлар, аҳоли яшаш пунктларининг бош режалари топография ва геология тадқиқотлари натижаларига асосланиб тuzилади.

Институт бажарадиган ишларнинг яна бир муҳим йўналиши бу — шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар шикастланган, дарз кетган ёки бошқа деформацияга учраган бўлса, тадқиқот ишлари олиб бoриб уларнинг техник ҳолати тўғрисида, яъни у бино фойдаланишига яроқли ёки яроқсизлиги тўғрисида хулосалар бeришдир.

Ўз тарихида институт биринчи марта бажарган ишлари ўзининг муҳимлиги ва ўта масъулиги билангина эмас, балки ўз замонаси учун янгилиги билан ҳам ажралаб турар эди.

Бунга мисол қилиб 1976 йилда лойиҳаланган «Чорсу» меҳмонхонаси учун Ўзбекистонда биринчи марта таёган (андоза) свайларни синаш ишлари, 1979 йилда Тошкент метрополитени 2-линиясининг 1-участкасида институт геодезчилари энг юқори сифат билан бажарган туннеллар сбойкасини ва бошқаларни келтириш мумкин.

Бу каби ўта мураккаб ва янги ишларни ўша пайтларда фақат мосқаллик ёки ленинградлик мутахассислар бажариши мумкин эди.

1980 йили институт томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида охириги 20 йил давомида бажарилган муҳандислик-геология тадқиқотлари материалларини умумлаштириб таҳлил қилиш бўйича катта мавзуй иш бажарилди. Натижада шаҳар ҳудудида тарқалган лёссимон қатламларининг чўқувчанлигини ва ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришини башорат қилувчи йирик қўламдаги хариталар тuzилди.

1995 йилга келиб, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш шaroитида шаҳарда янги кўчлар очиш, меҳмонхоналар қуриш, троллейбусларнинг янги йўналишлари ва бошқаларни лойиҳалаш ва қуриш билан боғлиқ ҳолда институтда тадқиқот ишлари анча жонлана бошлади.

1996 йили Тошкент шаҳар ҳоқими томонидан қабул қилинган «Тошкент шаҳар архитектура-қурилиш мажмуасини тадқиқот материаллари билан ва геоиңформацион таҳминлашнинг янги технологияларига ўтиш» тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши институт ҳаётида тарихий бурилиш ясади.

Қарорга асосан институт бўлимлари таркиби қайта кўриб чиқилиб, ишлаб чиқаришни тўла компьютерлаштиришга қаратилган ҳамда тадқиқот ишларида янги технологияларга ўтишни таъминлайдиган бўлим ва бўлимлар ташкил қилинди.

риш имконини берди. Георадар системаси бино ва иншоотлар деформациясини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бoриш жараёнида тезкор маълумотларни олиш учун кенг йўл очиб берди.

Гeолог-мутахассислар ушбу асбоб билан ишлашни чўқур ўзлаштириш мақсадида АҚШга бoриб келдилар.

Георадар ёрдамида Туябўғиз, Тўполанг ва бошқа сув омборлари тўғонларидаги бўшлиқлар, ёриқлар мавжудлиги ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган Тошкент — Ўш автомобиль йўлидаги Камчик туннели ҳам текширишдан ўтказилди.

Тезкор ва узлуқсиз маълумотлар олишни таъминлаш мақсадида институтда геофизикавий усулларда тадқиқотлар олиб бoರುವчи махсус муҳандислик геологияси бўлими ташкил этилди. Бу эса георадар ҳамда аъъанавий геология тадқиқотлари усуллари ёрдамида бино ва иншоотлар деформациялари сабабларини, бетон иншоотлар асослари ва қоламларидида яширин ёриқлар ва бўшлиқларни аниқлашни ҳамда шу каби тадқиқот ишларини тезкор олиб бoриш имконини берди.


1999 йилдан бошлаб янги техника ва технология билан қурулган институт доимий равишда шаҳардан ташқарида ҳам тадқиқот ишларини бажариб кeлмоқда. Хозирги кунда тадқиқот ишлари кўлами Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятларини ўз ичига олди.

Тошкент шаҳридан ташқарида бажариладиган ишлар ҳажмининг ортиши институт бўлимларини Тошкент шаҳридан узоқ минтақаларда очиш муаммосини кўтарди.


Навоий шаҳридаги комплекс экспедициясининг ташкил қилиниши институтнинг бу бoрадаги биринчи қалдирғочи бўлди. Экспедиция хозирча республикаимизнинг шимолий минтақасига — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм воҳаси, Бухоро ва Навоий вилоятларига хизмат кўрсатади.

2000 йил май ойидан эса Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида институтнинг базалари очилди. Шундай қилиб «Тошкенттадқиқот» институти шу кунларда нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам кўзга кўринган, жаҳон талаблари даражасидаги хозирги замон техника ва технологиялари билан қурулган, ўз олдига қўйилган ҳар қандай вазифани удралай оладиган кучга эга бўлган ташкилотга айланди.

**Йўлдош МАЪРУФОВ, институт директори, Абдуҳолик САПАРОВ, бўлим бошлиғи, геология-минералогия фанлари номзоди.**



Пойтахтимиз қурилишларида.



Эркин Ботиров олган суратлар.

Санъат Махмудова муштарик давлатимизнинг гўзал пойтахти ҳақида кўплаб публицистик мақолалар, лавҳалар ёзган журналист ва ёзувчи сифатида «Оқшом» муштарылари га яхши таниш. Аёлларимизнинг семимли «Саодат» журналида чорак аср, «Фаргона ҳақиқати», «Ишонч» газеталарида ҳам 10 йил ишлаган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Санъат Махмудова «Бир юракнинг юз жасорати», «Бизнинг эътиқод», «Кўва фарзанди», «Кутлуғ остона», «Меҳр кимга аталган» сингари кўплаб китобларнинг, ҳикоялар, қиссаларнинг муаллифидир. Ўзбекистон Муштарикчилигининг 9 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармониға кўра мукофотланганлар орасида Санъат Махмудова ҳам бор. У Ватанимизнинг «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди. Биз ҳам оқшомхонлар номидан уни юксак мукофот билан кутлаб Санъат Махмудованинг қўйдаги мақоласини муштарыларимиз эътиборига ҳавола этакдимиз.

Қасбим тақозоси билан кўп йул юраман. Машинада гоҳо бир соат, гоҳо икки-уч, ҳатто ўн соат юрган вақтларим бўлади. Битта-иккита газета ё журнал олсам, то кўзим чарчагунча мазза қилиб ўқийман. Янглиқлар менга аён. Яна нималардир юрагимга завқ-шавқ

Қийинчиликларни енгишга рағбат ва куч беради. Миллий ифтихор ва миллий гуруҳ туйғулари оширади. Миллий ифтихор — бу ўзингни англаш, Ватани севиш, ардоқлаш демакдир.

Ҳа, илми кишининг ҳунар ўрганиши ҳам осон кечади. Илми киши йўлда ҳам, хизматда ҳам, раҳбарликда ҳам қоқилмай, донолик билан иш юритади. Илми ҳар кун ҳар соатда ўрганиб борган кам бўлмайд. Бундай имкониятдан узоқ яшаган, ўқимай, ўрганмай кўйган раҳбар халқига жабр қилади. Шунинг учун ота-боболаримиз илм олишни ислом даражасига кўтарганлар.

Бизда аёлларнинг 4-5 соатга қўзилладиган меҳмондорчиликлари кўп бўлади. Вақтдан фойдаланиб, илмдан сўз очилса, бошқалар уни қўллаб-қувватлаб тингласа — бир кишининг билгани йигирма кишини билимдон қилади. Тошкент шаҳридаги маҳалларда жуда кўп илми аёллар болаларни илму маърифатга қачқиб, билимларини зиёда қилляптилар. Ахлок-одоб намуналаридан сўзляптилар. Қани энди тошкентлик аёллар таъриби кенг ёйилса...

Ваҳоланки, савдо-сотик ишларини олиб бориш учун ҳам билим зарур. Солиқлар тизимини, ҳуқуқий билимини, тилни билган савдогаргина жаҳон бозорига чиқа олиши, ё тадбиркор бўла олиши мумкин.

Мухтарам ватандошлар! Шу дийрда

Муносабат

# МИЛЛИЙ ИФТИХОР — БУ ЎЗИНГНИ АНГЛАШ



бағишлайди. Манзилга ҳам тез етгандек бўлган. Лекин ана шу ширин ҳис-туйғулар билан атрофимга қараб, хафа бўлиб кетаман. Машина тўла одам, бирон кишининг қўлида газета йўқ. Бу гапим биров кулгили туюлар. Лекин аслини олганда бу аччиқ ҳақиқат!

Нахоти, энчи башанг анави қора қош йигит, ялт-юлт қўйлаб кийган ёнимдаги гўзал қиз қимматли вақтинин мудроқ билан ўтказса? Йўлга чиқшдан олдин бирон газета ё журнал харид қилса асакаси кетмасди-ку. Ейиш-ичишдан майли орттирмасин, лекин кийим-кечақдан, ичиш-кечишдан газета-журналларга озгина пул орттирса савобу роҳат эмасми?!

Ислонинг муқаддас китоби «Қуръони Карим»да айтилишича, қуръон — қироат, яъни «ўқиш» деган маънони билдиради. Биринчи оят «икра» — «ўқи» деб бошланади. «Имкон борича ва қаерда қодир бўлсанг илм ўрган ва маърифатингни зиёда қил» дейилади ҳадиси шарифда.

Ҳамма айбни бозор иқтисодиётига ўтилишига йўйиб, биронта газета-журналга обуна бўлмай кўйган, матбуот дўкони ёнидан тексари қараб ўтадиган, ноёб кийимлару зеб-зийнатлар дўконига серкатнов, болаларига китоб эмас, фақат резина сақич олиб келадиган одамлар ҳам йўқ эмас.

Ўзингиз ўйланг, бизнинг аллома ота-боболаримиз фақат илм орқасидан дунёвий тараққиётга, маърифатга эришган эмасмилар. Бизнинг Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Беруний, Фиробий, Аҳмад Фарғоний, Хоразмий каби яна юзлаб зукко ватандошларимиз философия-илмий, бадиий асарларини билан жаҳон афкор оммасини ҳамон қойил қолдирмаётдиларми?

Комусий билим соҳиблари ҳам, ҳадислар муаллифлари ҳам, «Темир тузуклари»ю «Тиб қонунлари» муаллифлари ҳам бизнинг ватандошларимиз экани билан фахрланадилар. Уларнинг асарлари Оврупа дорилфунунларида асрлар давомида ўқитиб келинганилигини ва ҳозир ҳам ўқитилишини оддий сўз билан айтиб бўладими?

Буларнинг асарларини ўрганиш ҳамма вақт қалбимизга эзгулик руҳини сингдиради, яхшиликка даъват этади.

яшаб, унинг зилол сувидан, қуёшидан, нону тузидан, мева-чева-ю тоза ҳавосидан баҳра олсанг унинг тарихини, буюк болаларимиз ҳаётини, уларнинг асарларини, бутунгги тараққиёт йўлимиз сирларини, эртанги тақдиримизни билмасанг ярашадики? Биз ўқимасак, ҳафтада, ойда қўлимизда газета-журнал, китоб кўрмасанг фарзандларимиз биздан қандай ўрнак олсин? Ахир ўзимиз ҳам ҳаётдан орқада қоламиз-ку!

Тошкентимиз гўзал, фаровон! Хар йили ажойиб қошоналар, сайилгоҳлар яратилди. Лекин баззалир буни чуқурроқ ҳис қилиш, фахрларини туйғусидан йироқ, Айрим ҳамшаҳарларимизнинг ҳаётдаги маънавий ютуқларимиздан беҳабар яшаши, адабиёт, санъат асарларини тушуниши, улardan завқланиши ҳаёлига келтирмастасиз, ҳафтада ё ойда бир театрға тушмаслиги, газета-журнал ўқимаслиги кишини изтиробга солади. Ва мен ўқинг, жуда бўлмасак ҳафтада бир сахифа нимадир ўқинг, деб ҳаммага бир-бир айтгим келади. Агар биз озми-кўпми ўқисак, тушунсак Ватанимиз эъзозлайми?

Унинг тош-туپроғини кўзга суртамиз, сувини тоза тутамиз, ниҳол экамиз, боғ яратамиз.

Агар биз озми-кўпми ўқисак, шуни тушунсак, нонинг ушогини ҳам хор қилмаймиз, пишиб, тўкилиб ётган мевани териб олиб, кишга сақлаймиз. Ҳовлимизни, боғимизни, кўчамизни яшатиб, тоза тутамиз. Биз ўқисак, илм ўз саломатлигимизни сақлаш йўллари ҳам билиб олардик. Биз ўқисак, адолатни, ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қилишни ўргандик. Биз ўқисак, қаерга борсак ҳам ўзбек эканлигимизни тўла намоён эта олардик.

«Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни нозик ҳис этиш, маърифатли ва маълумотли бўлишга интилиш халқимизга хос хусусиятдир», дейди Президентимиз Ислам Каримов. Бу юксак ишонччи ҳаммамиз баравар оқлашимиз керак.

Биз буюк келажак сари дадил одим ташлаётган, қомиллик, етуқлик сари интилаётган кишиларимиз. Маърифатимиз зиёда бўлса — унинг нури аввало ўз қалбимизни, йўлимизни, қолверса Ватанимиз, фарзандларимиз йўллари ни ёритади.

Санъат МАХМУДОВА.

## Турфа олам БИР ЙЎЛА 8 ТА ЧАҚАЛОҚ

Яқинда Сицилияда (Италия) бир аёл бир йўла кетма-кет 8 та фарзанд кўрди. Биттаси ўғил бўлиб оғир-таси турли оғирликлардаги 500-700 граммга киз бўлиб уларнинг табиий

соғлиги қонирқари даражададир. Аёл хомиласи 25 ҳафталик бўлгандан кейин, муддатидан олдин туғишга мажбур бўлди. Туғилган чақалоқлар махсус шифокорлар назоратида бўлиб, уларнинг табиий нормал

## БЕКА — ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

- Картошка ва бошқа сабзавотларни мис пичоқ билан арсангиз қўлингиз қораймайди.
- Маставага сабзи ва пиёзни яхшилаб ёғда қовурсангиз, мастава мазали чиқади.
- Салат хушхўр, мазали бўлиши учун салатни столга қўйиш олдиндан бир дона пиёзни майдалаб тўраб қайноқ сувда чашиб аралаштиринг.
- Картошкани қурутқ, ўзини сувда пиши

раётганда икки-уч дона саримсоқ пиёзни, лавр япроғи солиб, паст оловда қайнатсангиз мазали бўлади.

- Карам шўрвага бир оз лимон кислотаси ёки шакар солсангиз карам шўрва мазали чиқади, ранги тиниқлашади.
- Гуручни қайнатиб пишираётганда бирикки томичи сирка солсангиз қозон четлари доғ бўлиб қолмайди, гуруч эзилмайди.

Дилдора СОБИРОВА.



Устоз-мураббий — унинг меҳнати гоят машаққатли, айни пайтда бонихоя шарафли. Устоз деган шарафли номга сазовор бўлганлардан бири — шаҳримиздаги 169-мактабда 40 йилдан ортққ давр мобайнида бошлангич синф ўқувчиларига билим бериб келатган Мовжуда опа Раҳматуллаевадир. Чўқур билиминини ва бой ҳаётий таърибасини болаларга ширин сўз, ақли донолик билан ўргатувчи устозларини ўқувчилари беҳад севадилар ва ҳаммиса унинг меҳрили сўзларини мароқ билан тинглайдилар.

СУРАТДА: Мовжуда опа Раҳматуллаева семимли ўқувчилари даврасида.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

## ЖОНКУЯР

«Халқ ўқитувчиси, — дейилади Умумий таълим мактабини ислох қилишининг Асосий йўналишларида, — ёш шахснинг маънавий дунёси меъморидир, жамиятнинг ишончли кишисидир...»

Ота-она ўқитувчига энг азиз, энг қимматли бўлмиш ўғил-қизларининг тақдирини ишониб топширади.

Шаҳримиздаги Камолдин Беход номи 152-мактабнинг илгор ўқитувчиси, маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари Васи́ла Мусаева ҳам жамиятимизнинг ишончли, билимдон, жонкуяр ташкилотчи муаллимларидан биридир. Мана у бир неча йиллардан бери ота-оналарнинг ишончини оқлаб, уларнинг азиз фарзандларини ўғил-қизларига билим бериб, тарбиялаб келмоқда.

— Моҳир ўқитувчини ота-оналар, мактаб педагогика коллективининг хурмат билан тилга олишларининг боиси шуки, муаллим ўз фанини чуқур билади ва севади, унинг сирасорини, болалар руҳиятига қандай таъсир қилишини жуда яхши англайди. Ўз фанига оид адабиётлари, журналларни мунтазам мутолаа қилиб, олган билиминини ўқувчиларга етказишга ҳаракат қилади.

Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир дарси қизиқарили ва мазмуни ўтади, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Марзия Мавлонова.

Васила Мусаева ишнинг хусусияти шундаки, дарсда бош мезон — ўқувчиларнинг

### Таълим

ўқув меҳнати эканлигиға, яъни дарслик устида муштарик ишлашларига, муштарик фикрлашларига кўпроқ эътибор беришдадир. — Агар ҳар биримиз дарсининг моҳиятини чуқур тушуниб, уни самарали ташкил эта билсак, ўқувчиларни ҳеч қачон зериқтириб қўймаймиз, саёз ва зериқарли дарсларга ўрин қолмасди, — дейди Васи́ла Мусаева. — Дарсда кўпроқ ўқувчиларга табиат ҳақида, ўсимлик ва жониворларни, қўлларни, дарё ва оби ҳаёт бўлган тоза ичимлик сувларинимизни, дов-дархатларини асрашимиз кераклигини қай-

### 2 октябрь — душанба (Ойнинг 5/6 кунини).

Ушбу кеча-кундуз ахборот-энергетика таркиби одамни танқоликка қўндайди. Кунни хотиржам ўтказишга, атрофдагилар билан мулоқотларни имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилинг. Сизни бирон-бир жанжалга тортишга қанчалик уринишмасин, ўзингизни босиб қўтиб, ҳеч қандай мунозара-можароларга аралашманг.

Сартарошонга таширф буюриш, косметик операциялар ва муолажалар учун бу кун қулай келади. Сийдик йўллари билан боғлиқ жаррохлик операциялари ва муолажалари тавсия

### 5 октябрь — пайшанба (Ойнинг 8/9 кунини).

Ой сайёрасининг шу кеча-кундуздаги таъсири одамларга нисбатан гоят салбий бўлади. Турли ҳолатларда юз бериши мумкин бўлган адашлар ва алданишлардан ўзингизни

Субҳи содиқда қўриладиган тушлар ўнгидан келади.

## Мунажжим тавсиялари

# ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

этилади. Асаб хасталикларини хуруж қилиши мумкин.

Тушларингиз албатта ўнгидан келади.

● 3 октябрь — сешанба (Ойнинг 6/7 кунини). Ерқин, яратувчи куч-қудрат ато этиладиган кун. Ҳар қандай бошлага ишларингиз муваффақиятли яқун топади. Аллоҳга илтижо қилиб ўқилладиган дуолар ижобат бўлиши мумкин. Аммо оғиздан чиқадиган гапларга эҳтиёт бўлиш керак — шу кунни айтилган гапларнинг кўпи ижобат бўлади.

Шамоллаш хасталиклари, сурункали томоқ оғриғи, цистит, аднексит хасталиклари зўрайиши эҳтимоли бор. Танангизнинг ортққча совиб кетишига йўл қўйманг. Буйрақлар ва сийдик пуфакчаларини тозаловчи муолажалар тавсия этилади. Қорин бўшлиғидаги жаррохлик операцияларини бошқа вақтга қўчириш мумкин.

● 4 октябрь — чоршанба (Ойнинг 7/8 кунини). Бу кун мураккаб ҳисобларни, осонгина адашиш ва алданиш мумкин. Ой сайёрасининг таъсири шу кеча-кундузда одамларга нисбатан гоят салбий бўлади. Яхшиши, кунни хотиржам — босиқлик билан ўтказиш, кўп вақтни ишга бағишлаш керак. Эҳтиросларингизга эрк бермаганингиз

эҳтиёт қилинг. Гамгин ва оғир ўй-фикрларга берилманг — улар тезда ўтиб кетади. Шу кеча-кундуз давомида кўзгуда ўзингизга қарамасликни тавсия этамиз.

Овқатдан захарланиш хавфи бор. Спиртли ичимликлардан ўзингизни тийганингиз маъқул. Аллергия таъсири бирмунча безовта қилиши мумкин. Нафас қисми хасталиғи ва нафас йўллари билан боғлиқ бошқа хасталиқлар хуруж қилиши эҳтимоли бор. Қорин ва оғиз бўшлиғида жаррохлик операциялари тавсия этилмайди.

● 6 октябрь — жума (Ойнинг 9/10 кунини). Кун анча мураккаб келади ва ҳар бир ишда, ҳамма нарсада эҳтиёткорликни талаб этади. Турли алдовларга учиб хавфи бўлиб, бундан кейинчалик қаттиқ пушаймон бўлишингиз мумкин. Шу кун одам таъсирларга берилувчан бўлади — шунинг учун яхши таниш бўлмаган кишилар билан мулоқотдан сақланганингиз маъқул.

Барча турдаги жисмоний толиқшлардан ўзингизни асраңг. Жағ-юз ва пластик операциялар тавсия этилади. Айнққса куннинг биричи ярида оғир таомлар ҳамда спиртли ичимликлардан ўзингизни тортиб турганингиз маъқул.

Ақсарият тушларингиз у ёки бу муҳим муаммолар ечимидан дарак бериб, ҳафта давомида ўнгидан келади.

## ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ

# ЎЗ-ЎЗ ЎЛТАНИШ ДОНО БЎЛУР...

● Ҳар бир ақл эгаси шарму ҳаё йўлида муштарик туришни ўз ҳаёти рағнақининг сабаби қилиб олса, замонанинг катта-кичиги унинг ҳузурига ва суҳбатига харидор бўлади. Одамларнинг муҳаббати унга нисбатан кундан кунга ошаверади, хурмат ниҳоли эса дўстлар баҳорининг тарбияси билан мақбуллик боғида нашъу наво топаверади. Эҳтиром боғининг гуллари ҳаммиса кўз шамолнинг зараридан таназзулга юз тутмайди.

Байт:

*Ҳаё соҳиблари иззатда бўлғай доимо хуррам, Ҳаёисз бўлса ҳар ким кунни қалай надоматга!*

● Олий ниоятли киши шундай бўладики, ростилик билан дўстлик қондасини ҳақиқатпарастликнинг биринчи боби деб билиб, то имкони борича шу йўлдан юришга ҳаракат қилади ва ҳар бир ишда садоқат ва дўстликни ҳамда виждонни саодат ҳазинасининг қалити деб билади.

**Бархурдор ибн МАХМУД.**

● Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган экди. Мезбон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узоқ ўтиришди ва туришни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларға рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч қўзғалишмасди.

Мезбон:

— Энди сизларға рухсат, — дейишга ҳеч ботинолмасди.

Улар тушунишармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирдилар. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очишмасди. Шунда у уй эшигини очдида ичкари ҳовлиға қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб:

— Ҳозир, ҳозир туришяпти, — деди.

**«Фавоқш ал-жунус»дан.**

● Ҳикмат. Юрағида гарази бор дўст душмандан баттар.

Байт:

*Дўсти учун дилда гарази бўлиб, Заҳар сақлаб юрса ҳар киши пичқон. Сидқу сафо қутиб умринг ўтказма, Қора дилдан қутиб бўлмайдди эҳсон!*

! Емон дўстан қотил душман яхши!

● Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

● Искандар Юнон заминидан сафарға отланар экан, устози Аристартолисға қараб деди:

— Менга насиҳат бер!

Аристартолис унга деди:

— Илм ўрган, ҳар қандай илми ўрганишдан ор қилма!

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.**

● Қайси дил бўлмасин, агар унда тама тўлкини бор экан, доимо домга тушиши хавфи бўлади. Тама гафлат деворининг пушти-паноҳи, ботил андишалар денгизининг гаввоси:

Байт:

*Кимда тама бўлса унда гафлатдир, Гафлат замирида юзлаб офатдир.*

Агар киши тама ипига илинса, бало чоҳиға қулайди. Қўшларға боқ, ўзлари осмонда парвоз қилсалар ҳам ердаги дон тамасидан домга илинади.

● Ҳикмат. Адоватга дучор бўлмай десанг мол-дунёдан қўл юв, муҳаббат топади десанг яхшилик ва эҳсон қил!

Байт:

*Ҳар ким дунё учун урса агар чанг, Бало чанги уни айлади сарсон. Ҳар ким эса берса бойлиқни агар, Барча балолардан бўлди соғ-омон.*

● Қасалликка ташловчи кўп молдан етарли бўлган ози яхши.

● Таажжубки, дунёпарастлар бойлиқни молдан қидирадилар. Улар билмайдиларки, аслида бойлик қаноатдир. Роҳатни эса кўп нарсадан қидирадилар, ваҳоланки у оз нарсадандир.

Байт:

*Учқур оту янги либосда, Ҳеч фазилат эмасдир пичқон. Дунёпараст хуш либослиқнинг, Юрағида гаמידир уммон.*

*Жон роҳатин изласанг асар, Қаноатда бўлгандир ниҳон!*

● «Нодон дўстан зийрак душман яхши» деб бекорға айтишмаган. Агар сен биров билан дўст тутинмоқчи бўлсанг, ўша кишининг вужудида учта хислат бўлмаса дўстлигингга арзимади. Биринчиси, вафодорлик. Иккинчиси, сир сақлаш. Учтинчиси, буюмин сендан аямаслик.

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

**Маҳмуд ХАСАНИЙ таржимаси.**

